

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ, ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Атажанов Ўткир Маматсалаевич

Мустақил тадқиқотчи

Найимов Хуршид Жамшидович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим 3-ўқув курси 311-
гуруҳ курсанти.*

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг ҳуқуқий асослари, унинг ўзига хос объектлари ва субъектлари тизими таҳлил қилинади. Муаллиф илгари судланган шахслар, вояга етмаганлар ва наркологик тобелиги бор шахслар билан ишлашнинг янгиланган механизмларини, хусусан 2025 йилдаги қонунчилик ислохотларини инобатга олган ҳолда ёритиб беради. Мақолада махсус профилактиканинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: махсус профилактика, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, илгари судланганлар, вояга етмаганлар, ижтимоий мослашув, реабилитация, рақамлаштириш, рецидив жиноятчилик.

СПЕЦИАЛЬНАЯ ПРОФИЛАКТИКА ПРАВОНАРУШЕНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ, НОВЫЙ ЭТАП СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАВОВЫХ МЕХАНИЗМОВ.

Аннотация: В данной статье анализируются правовые основы специальной профилактики правонарушений в Республике Узбекистан, система ее специфических объектов и субъектов. Автор освещает обновленные механизмы работы с ранее судимыми лицами, несовершеннолетними и лицами с наркологической зависимостью, в частности с учетом законодательных реформ 2025 года. В статье выдвинуты научные предложения и практические рекомендации по повышению эффективности специальной профилактики.

Ключевые слова: специальная профилактика, профилактика правонарушений, ранее судимые, несовершеннолетние, социальная адаптация, реабилитация, цифровизация, рецидивная преступность.

SPECIAL PREVENTION OF OFFENSES IN UZBEKISTAN, A NEW STAGE IN IMPROVING LEGAL MECHANISMS.

Abstract: This article analyzes the legal framework of special prevention of offenses in the Republic of Uzbekistan, along with its specific system of objects and subjects. The author highlights updated mechanisms for working with previously convicted persons, minors, and individuals with drug dependency, specifically considering the legislative reforms of 2025.

The paper puts forward scientific proposals and practical recommendations aimed at enhancing the effectiveness of special prevention activities.

Keywords: *special prevention, crime prevention, ex-convicts, minors, social adaptation, rehabilitation, digitalization, recidivism.*

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг марказида инсон кадри ва унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимида, айниқса, махсус профилактика институти жиноятчиликка қарши курашишнинг энг самарали воситаларидан бирига айланмоқда.

Махсус профилактика бу шунчаки назорат эмас, балки муайян тоифадаги, ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори бўлган шахслар билан ижтимоий-ҳуқуқий ва тиббий-педагогик йўналишда манзилли ишлаш тизимидир. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунининг 4-бобида белгиланган ушбу фаолият тури сўнгги йилларда давлатимизнинг ижтимоий сиёсати билан чамбарчас боғланиб, янги босқичга кўтарилди.

Замонавий криминологик сиёсат ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг трансформацияси махсус профилактика механизмларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда. Бу эса биринчи навбатда давлатимизнинг инсонпарварлик тамойилларига асосланган ижтимоий-ҳуқуқий стратегияси билан белгиланади.

Хусусан, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг қайта ижтимоийлаштирилиши жараёнида фақат маъмурий назорат ўрнатиш билан чекланмай, балки уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали жиноий муҳитдан ажратиш концепцияси илгари сурилмоқда. 2025 йилда малга оширилган бу борадаги ҳуқуқий ислоҳотлар, хусусан, биринчидан, илгари судланган шахсларга ижтимоий мослашув даврида бериладиган бир марталик моддий ёрдам тизимининг институционаллаштирилиши, махсус профилактиканинг жазоловчи функциядан тиклаш ва кўмаклашиш функциясига ўтаётганлигининг ёрқин тасдиғидир. Бундай ёндашув рецидив жиноятчиликнинг детерминантларини бартараф этишда энг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади;

Иккинчидан, профилактика соҳасига рақамли технологияларнинг кенг қўламда татбиқ этилиши мазкур мавзунинг илмий ва амалий қийматини оширади. “Е-probatsiya” ва “Е-mahkum” каби ихтисослаштирилган ахборот тизимларининг интеграция қилиниши нафақат шахснинг хулқ-атвори устидан реал вақт режимидаги мониторингни таъминлайди, балки профилактик таъсир чораларини индивидуаллаштириш ва коррупциоген омилларни минимумга тушириш имконини беради. Бу жараёнда рақамли назоратнинг ҳуқуқий мақоми ва унинг махсус профилактика самарадорлигига таъсирини илмий жиҳатдан асослаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда;

Учинчидан, вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг субъектлар таркибини оптималлаштириш зарурияти юзага келмоқда. Бугунги кунда Ёшлар ишлари агентлиги тузилмаларининг ушбу жараёнга фаол жалб этилиши махсус профилактика тизимида давлат ва жамият институтларининг ўзаро ҳамкорлигини янги мазмун билан бойитди. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларидан ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш механизмига ўтиш, бу борадаги ваколатлар тақсимотини ҳуқуқий жиҳатдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Бу каби омилларнинг таҳлили махсус профилактиканинг назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарблигича қолаётганлигидан далолат беради.

Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг самарадорлиги бевосита жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг жамиятга қай даражада мослашишига боғлиқ. Статистик маълумотлар ва криминологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, рецидив жиноятчиликнинг асосий детерминантларидан бири бу шахснинг озодликка чиққандан кейинги илк босқичдаги иқтисодий муаммолари ва ижтимоий яқкаланиб қолишидир.

Криминолог олимлар М.В. Хомутов ва Е.В. Грибанов махсус профилактикани ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг таркибий қисми сифатида талқин қиладилар⁷. Уларнинг фикрича, ушбу фаолият махсус ваколатли органлар томонидан профессионал компетенциялар асосида амалга оширилиши лозим. Бироқ, муаллифлар ҳуқуқий зиддиятга эътибор қаратиб, амалиётда нодавлат нотижорат ташкилотлари махсус профилактикада (масалан, бедарак йўқолганларни қидириш, наркотикларга қарши кураш) фаол иштирок этса-да, амалдаги қонунчиликда уларнинг роли ва қидирув фаолиятидаги ҳуқуқий мақоми тўлиқ мустаҳкамланмаганлигини таъкидлашган. Бироқ, муаллифлар ҳуқуқий зиддиятга эътибор қаратиб, амалиётда нодавлат нотижорат ташкилотлари (кейинги ўринларда — ННТ) махсус профилактикада (масалан, бедарак йўқолганларни қидириш, наркотикларга қарши кураш) фаол иштирок этса-да, амалдаги қонунчиликда уларнинг роли ва қидирув фаолиятидаги ҳуқуқий мақоми тўлиқ мустаҳкамланмаганлигини таъкидлашган. Бу борада олим И.С. Ильиннинг қарашлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу олим протест кайфиятидаги ижтимоий гуруҳлар устидан назорат ўрнатишда «профилактика» ва «назорат» ўртасидаги чегара жуда нозик эканлигини таъкидлайди⁸. Унинг фикрича, профилактика фақат ҳуқуқий чеклов эмас, балки тизимли мониторинг бўлиши керак. Бу ердаги илмий баҳс шундан иборатки, айрим олимлар махсус профилактикада қатъий назоратни ёқласа, Ильин «криминологик мониторинг» институтини жорий этиш орқали шахснинг фикр билдириш ҳуқуқини бузмасдан профилактика қилишни таклиф

⁷ Хомутов М. В., Грибанов Е. В. Основные направления, положительный опыт и проблемы совершенствования участия социально ориентированных некоммерческих организаций в специальной профилактике преступлений // Общество и право. – 2022. – № 2 (80). – С. 26-32.

⁸ Ильин И. С. Специальная профилактика демонстративно-протестной преступности в отношении отдельных групп населения, поддерживающих несогласованные акции // Криминологический журнал. – 2023. – № 3. – С. 89-92.

этади. Бу эса махсус профилактиканинг конституциявий стандартларга мослиги масаласида мунозараларни келтириб чиқаради.

Муаллифлар Б.А. Тиллаходжаев ва Д.У. Турсуновалар ижтимоий реабилитация ва мослаштириш жараёнидаги ҳуқуқий механизмларнинг зиддиятли жиҳатларини таҳлил қиладилар. Уларнинг фикрича, асосий муаммо ҳамкорлик қилувчи органлар (ИИБ, соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳалла) ўртасидаги маълумот алмашинуви ва хабар бериш муддатларининг қонунчиликда аниқ белгиланмаганлигидир⁹. Ушбу ҳуқуқий бўшлиқ махсус профилактиканинг самарадорлигини пасайтиради. Яъни, «Ижтимоий реабилитация» тушунчаси қонунда мавжуд бўлса-да, уни амалга оширишнинг муддатли алгоритми ва идоралараро «мажбурият» занжири тўлиқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 16 июлдаги 444-сонли «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий мослаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори махсус профилактиканинг ҳуқуқий механизмини тубдан ўзгартирди. Ушбу ҳужжат билан илгари судланган шахсларга ижтимоий мослашув даврида бериладиган бир марталик моддий ёрдам тизими янги босқичга кўтарилди.

Мазкур ислохотнинг илмий шарҳида қуйидаги муҳим жиҳатларни ажратиб кўрсатиш лозим: яъни, профилактик таъсирнинг иқтисодий омили: Шахс озод этилгандан сўнг биринчи навбатда унинг ҳаётий эҳтиёжларини (турар жой, озиқ-овқат) қондириш учун зарур бўлган молиявий манбага эга бўлиши, унинг такроран жиноят содир этиш (ўғрилик, талончилик) эҳтимолини сезиларли даражада камайтиради. Бу махсус профилактиканинг рағбатлантирувчи ва кўмаклашувчи моделига ўтаётганлигини англатади; 444-сонли қарорга кўра, нафақа тўлаш жараёни маҳаллабай тизими асосида, шахснинг ижтимоий аҳволи ва меҳнатга лаёқати ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Бу профилактика инспекторига шахс билан якка тартибда ишлашда нафақат назоратчи, балки ижтимоий масалалар бўйича кўмакчи сифатида ҳаракат қилиш имконини беради; махсус профилактика субъектлари сифатида Ички ишлар органлари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг ваколатлари аниқ чегараланди. Эндиликда “Е-probatsiya” тизими орқали нафақат маъмурий назорат, балки ижтимоий нафақаларнинг ажратилиши ва шахснинг бандлиги ҳам мониторинг қилиб борилади.

Шундай қилиб, илгари судланган шахслар билан ишлашда махсус профилактика механизми жазоловчи-назорат қилувчи функциядан ижтимоий-реабилитация моделига трансформация бўлди. Бу эса ўз навбатида, рецидив жиноятчиликнинг барвақт олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Вояга етмаганлар ўртасидаги девиант хулқ-атворнинг олдини олиш махсус профилактика тизимининг энг муҳим йўналиши бўлиб, у шахснинг ҳали тўла

⁹ Tillaxodjaev B. A., Tursunova D. U. Ijtimoiy reabilitatsiya va ijtimoiy moslashtirishda o'zaro hamkorlik // Nauchniy impuls. – 2025. – № 39 (100). – С. 485-488.

шаклланмаган руҳий ва ижтимоий ҳолатига манзилли таъсир этишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-263 сонли Қонуни ушбу соҳадаги махсус профилактиканинг ҳуқуқий чегараларини белгилаб берди.

Замонавий босқичда ушбу механизмнинг такомиллашиши қуйидаги учта асосий йўналишда намоён бўлаётганлигини кўриш мумкин: Биринчидан, сўнгги йиллардаги қонунчилик ўзгаришлари, хусусан, Ёшлар ишлари агентлигининг махсус профилактика субъекти сифатида киритилиши (17-1-модда), тизимни фақат “ҳуқуқ-тартибот” йўналишидан ижтимоий-қўллаб қувватлаш йўналишига трансформация қилди. Агентликнинг жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилишдаги роли, махсус профилактиканинг самарадорлигини оширувчи янги институционал омил бўлди; Иккинчидан, қонуннинг 20-моддасида белгиланган 15 та тоифадаги вояга етмаганлар билан ишлашда хавф гуруҳи индексидан фойдаланиш амалиёти кенгайди. Эндиликда профилактика инспектори ва психологнинг фаолияти нафақат ҳуқуқбузарлик содир этган бола билан, балки Қонуннинг 3-моддасида кўрсатилган “ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила” билан ишлашга йўналтирилди. Бу эса ўз навбатида махсус профилактиканинг детерминантларга (сабабларга) қарши курашиш хусусиятини кучайтиради. Шунингдек, вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига (ВЕИХЁКМ) ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш жараёнининг суд томонидан амалга оширилиши (26 ва 30-моддалар) махсус профилактикада қонунийлик ва инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлайди.

Бинобарин, вояга етмаганлар ўртасидаги махсус профилактиканинг янги босқичи бу шахсга нисбатан маъмурий босим ўтказиш эмас, балки унинг ижтимоий муҳитини соғломлаштириш ва келгусидаги ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик омилларини бартараф этишдан иборатдир.

Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларга патологик ружу қўйган шахслар билан ишлаш ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг нафақат ҳуқуқий, балки тиббий-ижтимоий йўналишини ҳам ташкил этади. Ушбу тоифадаги шахслар криминогенлик даражаси юқори бўлган гуруҳга мансуб бўлиб, улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мажбурлов ва даволаш чораларининг мутаносиблигини талаб қилади.

Бу борадаги амалга оширилган ҳуқуқий ислоҳотларга мисол сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2023 йилдаги «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги ЎРҚ-844 сонли қонуни ва соғлиқни сақлаш вазирининг тегишли 2215-буйруғини кўриш мумкин. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларда махсус профилактиканинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, профилактик таъсирнинг виктимологик ва ҳудудий йўналиши, янги Қонун билан алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ёшининг 21 ёшгача кўтарилиши ҳамда таълим ва спорт муассасаларидан камида 100 метр масофада сотилишининг тақиқланиши ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи ташқи муҳитни соғломлаштиришга қаратилган махсус профилактик чорадир. Бу механизм ёшлар орасида зарарли одатларга тобелик шаклланишининг олдини олиш орқали келажакдаги жиноятчиликнинг барвақт профилактикасини таъминлайди.

Иккинчидан, тиббий-ҳуқуқий моделнинг такомиллашиши, тобелиги бор шахсларни аниқлаш ва ҳисобга олиш жараёнида фақат маъмурий методлардан воз кечилиб, “диспансер кузатуви” ва “профилактик кузатув” тизими жорий этилди. Бунда Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар органларининг интеграциялашган фаолияти шахсни нафақат жазолаш, балки унинг ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи моддалардан халос қилиш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилишга йўналтирилган.

Учинчидан, ижтимоий реабилитациянинг устуворлиги, соғлиқни сақлаш вазирининг 2215-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низомга мувофиқ, вояга етмаган тобе шахслар билан ишлашда уларнинг соғлиғини тиклаш ва нормал турмуш тарзига қайтариш учун психологик, педагогик ва меҳнат чораларини ўз ичига олган комплекс дастурлар қўлланилмоқда. Бу махсус профилактиканинг “тиббий коррекция” босқичидан “ижтимоий мослашув” босқичига ўтишини таъминламоқда.

Шундай қилиб, тобелиги бор шахслар билан ишлашда махсус профилактика механизми тиббий диагностика, ҳуқуқий чеклов ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг яхлит занжирини ташкил этмоқда. Бу эса жамиятда деструктив ҳолатларнинг камайишига ва криминоген вазиятнинг барқарорлашишига хизмат қилади.

Олиб борилган тадқиқот ишлари давомида соҳани тартибга солувчи амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тизимли коллизиялар ва такомиллаштириш талаб этиладиган жиҳатлар мавжудлиги аниқланди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-263-сонли Қонунининг 3-моддасида вояга етмаган шахс сифатида 18 ёшга тўлмаган шахслар белгиланган. Бироқ, «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги ЎРҚ-844-сонли Қонунда¹⁰ муайян чекловлар 21 ёшгача бўлган шахслар учун амал қилиши белгилаб қўйилган.

Мазкур ҳуқуқий номутаносиблик махсус профилактика субъектларининг 18 ёшдан 21 ёшгача бўлган шахслар билан ишлаш ваколатида ўзига хос «ҳуқуқий вакуум»ни (бўшлиқни) юзага келтирмоқда. Институционал жиҳатдан қараганда,

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида: 2023 йил 24 май, ЎРҚ-844-сон // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – 2025. – 28 ноябрь.

шахс 18 ёшга тўлиши билан вояга етмаганлар билан ишловчи ихтисослаштирилган бўлинмалар назоратидан чиқади, аммо алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмоли билан боғлиқ чекловлар нуқтаи назаридан у ҳали ҳам махсус назорат остида бўлиши тақозо этилади. Амалиётда 18 ёшдан 21 ёшгача бўлган давр инсон ҳаётидаги энг криминоген ва психологик беқарор босқичлардан бири ҳисобланса-да, мазкур тоифадаги шахслар томонидан алкоголь маҳсулотлари истеъмол қилинишига нисбатан фақатгина маъмурий жазо (жарима) чоралари мавжуд бўлиб, уларга нисбатан тизимли ва индивидуал профилактик таъсир кўрсатиш механизми (ижтимоий-педагогик реабилитация) қонунчиликда етарлича акс этмаган.

Назаримизда, юқоридаги қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда 18 ёшдан 21 ёшгача бўлган шахсларнинг девиант хулқ-атворини назорат қилиш ва уларга нисбатан махсус профилактик таъсир чораларини қўллаш механизмини ички ишлар органларининг махсус бўлинмалари ваколатига киритиш орқали қонунчиликни такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашув ёшлар ўртасидаги зарарли иллатларга тобеликни барвақт олдини олишда нафақати жазолаш, балки тарбиялаш ва ижтимоий мослаштириш тизимининг яхлитлигини таъминлайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2025 йил 16 июльдаги 444-сонли қарори билан жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга бир марталик нафақа олиш учун белгиланган бир ойлик муддат, амалиётда ҳужжатларни тиклаш ва пробация ҳисобига туриш жараёнларининг мураккаблиги туфайли ижтимоий ёрдамнинг манзиллилигига тўсқинлик қилмоқда¹¹. Назаримизда, ушбу ҳужжатни ариза бериш муддатини шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни олиш вақтига мутаносиб равишда узайтириш ёки ҳужжатсиз шахсларга ҳам пробация хизмати маълумотномаси асосида нафақа тайинлаш тизимини жорий этиш орқали такомиллаштириш лозим.

Бундан ташқари, махсус профилактика соҳасида Ёшлар ишлари агентлиги ва Ички ишлар органларининг ваколатлари такрорланиши «ижтимоий-педагогик реабилитация» жараёнида масъулият тақсимотининг ноаниқлигига олиб келмоқда. Шу сабабли ҳам, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги 2010 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ-263-сонли Қонунига ваколатли органларнинг ҳамкорлик алгоритмини, маълумот алмашиш муддатларини ва ҳар бир субъектнинг якуний натижа учун масъулиятини белгиловчи «Ягона ҳамкорлик регламенти»ни киритиш тарзида такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир¹².

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: 2025 йил 16 июль, 444-сон // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – 2025. – 17 июль.

¹² Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида: 2010 йил 29 сентябрь, ЎРҚ-263-сон // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – 2024. – 14 август.

Олиб борилган таҳлиллар натижасида ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

Биринчидан, “Интеграциялашган профилактик мониторинг” тизимини яратиш, Ички ишлар вазирлигининг “Е-probatsiya”, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг наркологик ҳисоб тизими ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг маълумотлар базасини ўзаро интеграция қилиш. Бу шахснинг ижтимоий мослашув жараёнини (бандлиги, даволаниши ва ижтимоий нафақа олишини) реал вақт режимида кузатиш ва профилактик чораларни тезкорлик билан индивидуаллаштириш имконини беради;

Иккинчидан, профилактика инспекторларининг “махсус ваколатлари”ни аниқлаштириш, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунга махсус профилактика объектлари бўлган шахслар билан ишлашда профилактика инспекторининг “ижтимоий диагностика” қилиш ваколатини киритиш. Бу инспекторга нафақат маъмурий назоратчи, балки оилавий-ижтимоий муҳитнинг “соғломлик даражаси”и баҳоловчи мутахассис мақомини беради;

Учинчидан, вояга етмаганлар билан ишлашда “медиация” институтини жорий этиш, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига юборишдан олдин вояга етмаган шахс ва жабрланувчи ўртасида ижтимоий-педагогик реабилитация доирасида мажбурий медиация (яраштириш) жараёнини ҳуқуқий мустаҳкамлаш. Бу шахснинг жиноий муҳитга кириб кетишининг олдини олишдаги энг самарали психологик тўсиқ бўлиши мумкин;

Тўртинчидан, халқаро стандартларни татбиқ этиш, махсус профилактика тизимининг самарадорлигини баҳолашда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва халқаро сифат стандартларига асосланган КРІ кўрсаткичларини жорий этиш. Бу профилактика тизимининг халқаро мезонлар даражасида шаффоф ва натижадор бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар давлатимизнинг инсонпарварлик ва ижтимоий адолат тамойилларига содиқлигини кўрсатиб, махсус профилактика механизми соф маъмурий чеклов тизимидан ижтимоий-реабилитация ва рақамли мониторинг моделига муваффақиятли ўтмоқда.

2025 йил давомида бу борада амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар, айниқса илгари судланганларни иқтисодий рағбатлантириш ва вояга етмаганлар ҳимоясини кучайтириш борасидаги чоралар, рецидив жиноятчиликнинг барвақт олдини олишда муҳим аҳамият касб этди. Шундай бўлсада келгусида ислохотиларни янада чуқурлаштириб, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси тизимининг янада самарадорлигига эришиш учун идоравий ахборот тизимларини тўлиқ интеграция қилиш ва профилактика субъектларининг ваколатларини илмий асосланган мезонлар асосида қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЁШ АВЛОДНИ ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМ ТАҲДИДЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 134-140.
2. Атажанов, Ў. М. (2025). МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА УНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ. Научный Фокус, 3(30), 119-126.
3. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ОСТИДАГИ ШАХСЛАР БИЛАН ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАНИНГ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 127-133.
4. АТАЖАНОВ, Ўткир Маматсалаевич, ЖАСУР, Ҳамидалиев Асадбек, et al. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ БОЗОР ОБЪЕКТЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ. Научный Фокус, 2025, vol. 3, no 30, p. 163-171.
5. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА ОБЪЕКТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 184-190.
6. Атажанов, Ў. М. (2025). ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ КРИМИНОЛОГИК САБАБЛАРИ ВА МАХСУС ПРОФИЛАКТИК ТАЪСИР ЙЎНАЛИШЛАРИ. Научный Фокус, 3(30), 191-197.
7. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич, and Ҳамидалиев Асадбек Жасур. "БОЗОРЛАР ҲУДУДИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 152-162.
8. Тиллаходжаев, Баҳодир, and Гулзода Абдуразоқова. "ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.5-3 (2025): 74-77.
9. АДҲАМОВ, Зафар Акбарович. ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2025, vol. 2, no 5-2, p. 31-35.